



**Mavzu:** Бозор шароитларида сифат ва рақобатбардошлиқ



# РЕЖА:

1

- Сифатни бошқариш

2

- Сифатни бошқаришга маъмурий ва иқтисодий ёндашувлар

3

- Технологиялар эволютсияси

4

- сифат тушунчаси

# 1. Сифатни бошқаришнинг

- \* Жаҳон бўйлаб малакали менежерларни тайёрлаш маҳсулот, товарлар, хизматлар ва ишлар, жараёнлар ва бошқарув тизимлари сифатини бошқаришнинг замонавий усусларини ўрганиш ва ўзлаштиришни назарда тутади.
- \* Ўтган 2010 йилда еришган ютуқларимиз сифатини бошқаришнинг замонавий усусларидан фойдаланиш ўзининг ижобий натижасини бераётганини тасдиқлайди. Бу йўлда ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, юқори малакали мутахассисларни тарбиялашга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, 2010 йилда “Баркамол авлод йили” Давлат дастурини амалга ошириш йўлида барча молиявий манбалар ҳисобидан 8 триллион сўм ва 165 миллион долларга яқин маблағ ажратилди. 2005 – 2010 йилларда 7800 дан ортиқ умумтаълим муассасалари, қарийб 1500 та касб – ҳунар коллежи ва академик литеяр барпо этилди, реконструкция қилинди.

# 80 – йилларнинг йирик уруши

- \* **80 – йилларнинг йирик уруши.** Глобал иқтисодиётда иккинчи жаҳон урушидан сўнг АҚШ нинг етакчилиги мустаҳкамланди. Бутун дунёда Америка тажрибаси ўрганилди ва амалиётда қўлланилди. 1953 йилда инглиз мутахассислари АҚШ да ишлаб чиқаришни ташкил қилиш юзасидан кенг қамровли ислоҳотларни ўтказишган. Бироқ сифатни бошқариш соҳасида улар оқилона статистик назоратдан фойдаланилаётганини қайд етдилар, холос. Америка корхоналари танланма кириш назоратидан фойдаланишган ва унга кўра маҳсулотларнинг 98% яроқли деб топилган. яроқсиз маҳсулотлар истеъмолчи талабларига кўра бепул алмаштириб берилган.

## 2. Сифатни бошқаришга маъмурий ва иқтисодий ёндашувлар

- \* **Япониянинг сифатни бошқариш тажрибаси** ишнинг сифатини ошириш ҳеч қачон тугамаслигини кўрсатади.
- \* 1945 йилда Япония вайрон бўлган, саноати тўлиқ ишдан чиққан эди. Шунингдек, ўша даврда Япониянинг техникаси қолоқ ҳолатда бўлган.
- \* Замонавий радиотехникада катта аҳамиятга эга бўлган Японияда ишлаб чиқарилган кучайтиргичлар учун кичик частотали трансформатор 250 грамм оғирлиқда эди. Айни вақтда АҚШ да бу аппаратнинг конструкциясининг вазни атиги 30 грамм бўлган.
- \* Сув билан тўйинтирилган Япония трансформатори 15 дақиқада ишдан чиқарди, Американики эса герметик қоплама билан тўлиқ ўралган ва сув ўтказмайди.

# Турли давлатлар томонидан эришилган сифат даражалари

- \* Бироқ 1991 – 1992 йилларда сифат соҳасидаги етакчи – Японияда иқтисодий инқироз содир бўлиб, у сотув ҳажмининг ўзгариши ва маҳсулотлар рақобатбардошлигининг пасайишига олиб келди. Оқибатда Япония, АҚШ ва Европанинг сифат даражалари тенглашди.
- \* Турли давлатлар томонидан эришилган сифат даражаларининг бир – бирига яқин келиши кўп сабаблар билан изоҳланади. Асосий сабаблардан бири сифатни яхшилаш бўйича илғор иш тажрибасини ижодий айирбошлиш, юқори сифатга эришиш назарияси ва амалиётининг эволютсион ривожланиш йўлида инсоният ўзлаштирган барча ёндашувлар ва усуllарни уйғунлаштириш ҳисобланади.
- \* Шу тарзда ишлаб чиқилган, ҳамма давлатларнинг мутахассислари тан олган ягона ёндашувлар ҳозирда сифатни умумий бошқариш (ТҚМ) тамойиллари номи билан машҳур.

# 3. Технологиялар эволюцияси

- \* Технологик ривожланишнинг учинчи босқичи янгиликлар бошқарув комплексининг юзага келиши ва тарқалишини ўз ичига олади. Улар инсон томонидан техникага жараёнларни бошқариш функцияларини жадал ўтказишни таъминлайди. Комплекснинг тарқалиши автоматик машиналар, бошқарувнинг автоматлашган тизимлари, ахборот технологияларига ўтиш, индустриал, сўнгра постиндустриал ривожланишга ўтиш ҳисобланади.
- \* Индустриал ривожланишнинг дастлабки даврларида тарқалаётган технологик янгиликларнинг комплекслари инсон томонидан бошқариладиган машиналар, кейинчалик пайдо бўлган трансформатсия предмети билан ажралиб турадиган автоматик машиналарни ўз ичига олган. Дастлаб улар моддалар ҳисобланган, кейинчалик энергия ва ниҳоят ахборот киритилган. Яъни қуийдагилар кетма – кетлиқда кашф қилинган ва тарқалган: Моддаларни ўзгартириш машиналари (ММ), энергияни ўзгартириш машиналари (ЕМ), ахборотни ўзгартириш машиналари (АМ).

# Технологик тартиблар

- \* **Технологик тартиблар.** Технологиялар тараққиёти жараёнида янгиликларнинг тарқалиши даврий ва комплекс хусусият касб этади. У иқтисодиётда технологик тартибларнинг берк такрор ишлаб чиқариш контурлари шаклини олади. Уларда бир вақтда мавжуд бўла оладиган технологиилар ҳамда ишлаб чиқариш ва бошқаришни ташкил қилиш шакллари қўлланилади. Ривожланган давлатлар иқтисодиётида тартиб ҳаёт даврининг давомийлиги Кондратевнинг уч тикилига мос келади. Чунки иқтисодиётда бир вақтда асосан учта тартиблар амал қилинади.

# 4. Сифат тушунчаси

- \* Ишлаб чиқариш соҳасида **иқтисодий категория сифатида “сифат” тушунчасининг ривожланиши** электроника саноати мисолида кўзга яққол ташланади. Электроника саноати тараққиётининг муайян босқичида технология чиқиндисиз ишлаб чиқаришни таъминлашда яроқсиз ҳисобланди. Ўзининг хусусиятига кўра электроника сифат ҳақидаги тасаввурни сезиларли даражада ўзгартириб юборди.
- \* Авваллари сифатни ошириш бўйича ишлар технологик жараён – назорат операцияларининг сўнгги босқичларидан бошланган эди. Ҳозирда улар ҳар бир технологик босқичда олиб борилади ва ишлаб чиқариш жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланиб, енг аввало, кўплаб сифатли тайёр маҳсулотларнинг поток (конвейер) дан чиқишига қаратилиган.